



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 13 сентябр, жума № 148 (1365)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жалолқудуқ туманидаги Насриддин Эсонов номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ерга Германиянинг "Сименс" фирмасида ишлаб чиқарилган сувни тозаловчи ва хлорловчи иккита агрегат ўрнатилди. Ун минг киши яшайдиган хўжаликнинг саккизта қишлоғига сув берувчи ўттиз саккиз километрлик сув қувурлари таъмирдан чиқарилди.

Келгуси йилда сув қувурларини ётқизиш давом эттирилиб, қишлоқ аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олинаётган даромад қишлоқнинг ободонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобига кейинги бир ярим йилда хўжаликда тикувчилик цехи ишга туширилиб, йигирма нафардан кўпроқ қизлар ишга жойлаштирилди. Қишлоқ-врачлик пунктида олти миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ислоҳот инсон учун

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Бухоро вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хар бир шифо масканини малакали кадрлар, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш борасида илдам қадамлар қўйилди. Мустақиллик йилларида кўплаб қишлоқ-врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хар бир туман ва шаҳарда шошилинч тиббий ёрдам марказлари фаолият юритмоқда. Хусусий шифохоналар, поликлиникалар, диагностика марказлари ишдан аҳоли мамнун.

Бугунги кунга келиб вилоятда қишлоқ-врачлик марказлари сони 284 тага етди. Шулардан 52 таси кейинги уч йил мобайнида фойдаланишга топширилгани тармоққа эътибор кучайтиришнинг даллати. Жорий йилда эса еттита ана шундай маскан бунёд этилиши мўлжалланган. Яқинда Ромитан, Бухоро туманларида, Шифиркондаги И.Мўминов номи, Фиждудондаги «Оқ олтин» ширкат хўжаликларидан халқ меъморчилиги асосида бунёд этилган саломатлик марказларини алоҳида таъкидлаш лозим. Эътиборлиси шуки, энди Бухоро шаҳар касалхонаси базасида ташкил этилган республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиалида, унинг тумандаги бўлимларида ҳам мураккаб операциялар бемалол ўтказилаётипти. Худудий бўлимларни ташкил этиш, биноларни қайта реконструкциялаш мақсадлари учун вилоят бюджетидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шошилинч тиббий ёрдам фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Исроил давлати билан катта миқдордаги маблағга кредит олиш юзасидан шартнома имзоланди. Бу борадаги ҳамкорлик ришталари мустақамлашиб бормоқда. Мустақиллик шарофати туфайли нодавлат тиббиёт тизими ҳам ривожланмоқда. Ўтган йили вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси барча даволаш-профилактика муассасаларини инвентаризациядан ўтказиб, шифохоналарда хўжалик ҳисобидаги бўлимларни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Шундан кейин вилоят ҳокимининг қарорига кўра 8 та муассаса ўзини-ўзи молиялаш асосида босқичма-босқич пуллик хизмат кўрсатиш тизимига ўтказилди. Шунингдек, бир қатор туман марказий касалхоналари таркибидан 269 та шифо ўринлари шу асосда фаолият кўрсатадиган бўлди.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирда вилоятда 127 та хусусий тиббиёт муассасаси мавжуд. Иқтисодий ислоҳот ҳамда янгилик сари ташланган қадам қувончли самаралар бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. 185 миллион АҚШ доллари миқдорда мурувват ёрдами сифатида дори-дармонлар ва бошқа керакли жиҳозлар келтирилди.

Республикада 8 та «Она ва бола» скрининг марказлари ишлаб турибди. Шундан биттаси Бухородадир. У она қорнидаги ҳомила касаллигини вақтида аниқлаб беришга хизмат қилаётди. Вилоят иктисослаштирилган туғруқ комплекси ўтган йили ЮНИСЕФнинг халқаро сертификатини қўлга киритди. Оқ халатли кишилар олдида турган долзарб вазифалардан яна бири кадрлар қўшимчасизлигига барҳам бериш, уларни қайта тайёрлашдир. 1999-2001 йилларда вилоят учун тиббиёт институтларини тугатган 485 нафар врачлар тайёрлаб юборилди. Сўнгги 12 ой давомида эса 756 шифокор, 2148 ўрта тиббиёт ходими билим ва малакасини оширди.

Президент Фармонида мувофиқ Бухоро ва Фиждудон тиббиёт билим юрталари коллежларга айлантирилди. Тиббиёт институти таркибидан олий тоифали ҳамширалар тайёрлайдиган 3 йиллик ўқув курслари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси эл соғлигини мустақамлашга самарали хизмат қилмоқда.

Ш.ҚОСИМОВА,
Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.



Кўхна Хива нафақат қадимий ва бетакорр тарихи, балки нафис, сержило гиламлари билан ҳам машҳурдир. Ғўзал ва афсонавий шаҳарда гилам тўқиш жуда қадимдан санъат даражасида ривожланиб келган.



Корхонада йилига 2 миллион 400 квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Суратларда: момиқ цехининг кўриниши; тўқувчи Назолат Авазиева. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

АҚШда содир этилган 11 сентябрь воқеаларининг бир йиллиги муносабати билан Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежида «Терроризм ва гиёҳвандликка қарши кураш - замон талаби» мавзусида мулоқот ўтказилди. Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ҳузурдаги терроризм, гиёҳвандликка қарши кураш ташвиқот ва тарғибот маркази ташкил этган ушбу тадбирда ўқитувчилар, талабалар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мулоқотда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни гиёҳвандлик ва турли ғаразли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Бундай учрашув-мулоқотлар вилоятдаги бошқа ўқув марказларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎЗА).

Юртимизнинг фидойи кишилари

Шундай одамлар бўладими, бир кўришингиздаёқ у билан гўёки азалдан танишдек, доимо мулоқотда бўлиб юргандек ҳис этасиз ўзингизни.

— Ўрмончилик биз учун ота касбгина эмас, бобомиздан қолган мерос. Бошқа бирон мутахассислик бошини тутмоқчи, шу тоғ-тош ва адирликлардан олисларда юрмоқчи ҳам бўлдим. Шу мақсадда пойтахтда мусиқа ва рассомчилик мак-

тан бўлди.

— Бобонинг ишини давом эттиришинг керак, — деди ота-си қатъий оҳангда. — Ўрмонга яхши қарай олишмаяпти. Ўзинг ўқиб келиб ишни қўлга оласан!

Богистон ўрмонларини бобоси бунёдга келтирилганини Рустамжон яхши билади, бунини қишлоқдагилар ҳам гапириб юришади. Шунинг учун ҳам у падарни-бузруквори айтганини икки қила олмади. Қишлоқ хўжа-

лигига кўтаришди.

— Хар қарич майдоннинг самара беришлигига эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Р.Раҳмонов. — Бунинг учун тез ўсувчан, яхши ёғоч берадиган навларни топиш ёки яратиш устидан иш олиб боряпмиз.

60 гектарлик ўрмонзорлар билан бир қаторда бекор ётган ерларни ўзлаштиришга киришилганлиги ҳам ўз самара-

БОҒИСТОН ЎРМОНИ

табида ҳам ўқидим, аммо бу касбдан узоқлашмадим, — дейди суҳбатдошим Рустамжон Раҳмонов. — Амаким Тошкентда яшарди. Биз оилада кўпчилик бўлганлигимиз учун мени амакимга ўғил қилиб жўнатишди. Ўқиймишни ўша ерда махсус мактабда тўртинчи синфдан давом эттирдим. Ўнинчи синфда ўқийганимда тўсатдан отам қишлоққа олиб кетаман, деб туриб олди.

Отамнинг айтишича, тушида ҳовлимизга бешта тарновдан сув қуйилаётган эмишу аммо биттасидан жилдирабгина тушармиш ва ўзи ҳам омонат осилиб турганмиш. Марҳум оталари ҳадеб ўшани имлаб кўрсатармиш.

— Ўша омонат осилган тарнов сенсан, — деди отаси Рустамжоннинг бошини силаб. — Бу юришинг бобонга ёқмаяпти.

Бир неча ойдан сўнг қишлоқ мактабининг ўнинчи синфини битирган Рустамжон яна қайтиб пойтахтга ўқишга келади-

лик институтининг ўрмончилик факультетига ўқишга кирди.

Одамнинг ҳамма мўлжалланган режаси осонгина амалга ошавермас экан. Институтни тамомлаб қайтган йигитга дарров бобосининг ўрмонига келиб ишлаш насиб этмади. Анча муддат Наманган вилоятининг турли ўрмончилик хўжаликларида меҳнат қилишга тўғри келди. Охири қишлоғидagi ўрмончилик хўжалигига оддий мутахассислик вазифасига ишга юборилганини сўраб ариза берди.

— Ахир сиз каттагина лавозимдасиз, бош агрономсиз, — дея эътироз билдиришди унга. — Остингизда машина, шаҳар марказида уйингиз бўлса. Ма-ошингиз ҳам чакки эмас...

Бироқ, Рустамжон барча имтиёзлардан воз кечиб, қишлоққа қайтди. Бу ерга ишга келгач, хар туп дарахт, хар туп ниҳол учун жон куйдирди, жамма аъзоларининг маслаҳатчасига айланди. Орадан икки йил ўтмасдан уни участка раҳбар-

сини бермоқда. Шу мақсадда 30 гектарлик бог ташкил этилган бўлиб, унда мевали дарахтларнинг кўплаб тури мавжуд. Агар шу соҳадан ўтган йилда 2 миллион 600 миғг сўм даромад қилинган бўлса, амалдаги йилда бу кўрсаткични яна 1 миллион сўмга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Жамоанинг суъчи Бахриддин Юнусов, тракторчи Йўлдош Қазақов, ишчилардан А.Дехқонов, А.Ортиқов, М.Усмонова ва бошқаларнинг мардона меҳнатлари туфайли дончилик ҳам тараққий этиб бермоқда. Бу йил 20 тоннадан ошириб бугудга тайёрланиб, хар бир ишловчига 100 килограммдан дон тарқатилди.

— Ўрмончилик сердаромад соҳа, — дейди Рустамжон. — Ўтган йили 8,2 миллион сўм даромад қилгандик, амалдаги йилда бу кўрсаткични камида 12 миллион сўмга етказишни кўзда тутганмиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Бандлик дастури амалда

қатнашдилар. Меҳнат бозоридан 300 дан ортиқ фуқаролар иш-тироқ этиб, уларнинг 193 нафари рўйхатга олинди. 150 га яқин кишига корхона ва ташкилотларга ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва

Шунга қарамасдан «Қаршиёғэкстракция», «Қашқадарёпармалаш», «Қашқадарё технология транспорт» очик хиссадорлик жамиятлари, шаҳар газлаштириш идораси каби ташкилотлар меҳнат ресурслари балансини тузишга эътиборсинли билан қараб келмоқдалар. Улар меҳнат бозорида ўзларининг бўш ўринлари билан иштирок этмадилар.

Қарши азалдан хунармандлар шаҳри. Шаҳар ҳокимлиги ва фуқаролар йиғинлари маҳаллаларда қосиблик, зардўзлик, қандолатчилик, гилам тўқиш сингари хунармандчилик тармоқлари очини йўлга қўйсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Хабарлар оқимидан

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Навий вилоятда Хатирчи тумани халқ банки бўлимнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда Хатирчи туманида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир-бирдан кўркам бинолар қад ростлади. Халқ банки бўлимнинг қўш қаватли биноси ҳам туманининг кўрғига кўрк бўлиб қўшилди. Қурилиш ишлари «Хатирчи сервис» ташкилоти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

Бинода банк ходимларининг миждозларга намунали хизмат кўрсатишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Эҳтиёжлар ўрганиб чиқилган ҳолда, янги бинога вилоят халқ банки бўлими томонидан 3 миллион сўмликдан ортиқ жиҳозлар келтирилди. Туман халқ банки бўлими 30 миғг миждозга хизмат кўрсатади.

КОЛЛЕЖ Фойдаланишга Топширилди

Янги ўқув йилида Мирзаобод туманида ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. 450 нафар бўлғуси банк ходимлари, молиячилар, чеварлар, давлат автомо-

бил назорати хизмати кичик ходимларини тайёрловчи коллежда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Ушбу коллеж қурилиши 1 миллион 200 миллион сўм сарфланди, шунингдек, 600 миллион сўмлик ўқув қўлланмалари ва зарур ускуналар харид қилинди.

Гулистон ва Янгиер шаҳарларидаги чет тилларни ўқитишга ихтисослашган лицейлар ҳам янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олди.

ОНАЛАР УЧУН

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 100 нафардан зиёд кам таъминланган оилалар уй бекалари, кўп болали аёллар Гулистон шаҳридаги «Анҳор» чойхонасига таклиф этилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Х. Миржалилова тадбир қатнашчиларига «Соғлом авлод учун» ва Қизил Ярим ой жамиятлари вилоят бўлимларининг эсдалик совғаларини топширди. Таклиф этилганлар кўрсатилган хурмат учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

«Ўзбекнаво» ва «Ўзбекракс» бирлашмаси вилоят бўлимлари санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар ва рақслар байрамга файз киритди.

Меҳнат бозори иш билан таъминланганликни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда корхоналар, тармоқлар ва худудлар бўйича бош миллий ресурс-ишчи кучи шаклланади ва тақсимланади.

Ишчи кучлари ва мутахассис кадрларга талаб катта бўлган Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш, бандлик дастурини амалга оширишда ибратли ишлар қилинмоқда.

Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи М.Азимовнинг таъкидлашича, ҳамма туманларда «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилиб, 2 миғдан ортиқ киши ишга жойлаштирилди.

Қарши шаҳридаги болалар истироҳат боғида уюштирилган меҳнат бозори байрам тусини олди. Унда вилоят марказидаги 82 та корхона, ташкилот ва муассаса

МЕҲНАТ БОЗОРИ

350 га яқин бўш ўринлари билан қатнашдилар.

Ярмаркада ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган фуқароларга квота ўринлари ажратилди. Айниқса, «Қашқадарё-нефтьгазурилик», «Қаршинон», «Санам» очик хиссадорлик жамиятлари қабил қорхоналар фаол

ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Ш.Турсуновнинг айтишича, меҳнат бозори аҳолининг иш билан бандлигини мустақамлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш имконини беради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда талаб қилинаётган ходимлар билан таъминлаш амалга оширилади.

ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон ҳамда Германия ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга 1,02 миллион евролик беғараз ёрдам ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Хужжатга Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ганиев ҳамда Германия мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Мартин Хеккер имзо қекди.

«Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида имзоланган бу битимга кўра, ажратилган маблағ Ўзбекистондаги ўқув юрталари ўқитувчиларининг касбий тайёрларлигини яхшилаш, малкасини ошириш, ўқитиш услубиятини такомиллаштириш, турли илмий лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишга сарфланади.

Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигидаги учрашув чоғида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги хар жиҳатдан самарали ке-чаётгани таъкидланди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, транспорт ва телекоммуникация, озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўрнатилган кенг қўламли алоқалар бунинг яққол далилидир.

Учрашувда икки мамлакатнинг таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовор экани айтиб ўтилди. Хусусан, биргина «Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида Германия ҳукумати Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш учун 7,6 миллион евро ажратишга қарор қилган. Умумий ҳажми эса, Германия ҳукумати мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳасини ислоҳ қилишга кўмаклашиш мақсадида жами 140 миллион евродан зиёд имтиёзли кредитлар берган.

(ЎЗА).

Истиқлол берган имкон

АҚШДАН МАҲСУЛОТГА БУЮРТМА ОЛИНДИ

Намангандаги «Атлас» акциядорлик жамияти аҳолига зарур маҳсулотлар етказиб беришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётир. Корхонада жорий йил давомида қарийб эллик минг тоннага яқин табиий ипак ишлаб чиқарилади. Бозор иқтисоди талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотни чет элга экспорт қилиш йўлга қўйилди. Бу эса унинг иқтисодини мустақкамлаб, юксалишида муҳим омил бўлапти. Тайёрланаётган ипак АҚШ, Япония каби мамлакатларга жўнатилади.

Корхонада ипакли газламалар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга эътибор кучайди, дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Т.Ҳамдамов. — Жумладан, хонатласнинг тўрт хил нусхаси яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Яна бир янгилик шуки, қарияларни кадрлаш йили муносабати билан «реза» бекасам ва унинг янги турлари халқимизга тортиқ этилмоқда.

Цехларда ишлаб чиқарилаётган сархил газламалар Жанубий Кореяга экспорт қилинмоқда. Шу кунгача 72 минг АҚШ долларига тенг ипак ва ипакли маҳсулотлар хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди. Йирик сармоя-

дорлар билан мустақкам алоқа йўлга қўйилганлиги кутилган самаралар бераётир. 1998 йилдан бери «Силк роад» Ўзбекистон қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тўлалигича экспорт қилинапти. Бу йил эса яна бир чет эллик ҳамкор-хитойлик ишбилармонлар билан биргаликда «Чаннатекс» ип-йигирув қўшма корхонасини ишга тушириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилади. Самарқанд, корхона ишга тушгач, йилига 1200 тонна пахта или ишлаб чиқарилади. Боз устига қўшимча 215 нафар киши иш билан таъминланади.


Бундан ташқари, Швейцариянинг LKS фирмаси билан зарур буюмлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган қўшма корхона бунёд

этиш устида лойиҳалар тайёрланмоқда. Этиборлиси шуки, корхонада Россиядан келтирилган қимматбаҳо кимёвий бўёқлар ўрнини босувчи табиий бўёқлар ишлатиш технологияси яратилди. Бунинг учун плантация ташкил этилди.

Таъкидлаш жоиз, жамият цехни энг замонавий автоматлар билан жиҳозлашни кўзда тутилган. Ушбу цеха ишга тушириш мўлжалланмоқда. Натижада ипакнинг сифати жаҳон андозаларига яқинлашади ҳамда корхонанинг экспорт салоҳияти ошади.

Корхона маъмурияти маркетинг ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Самарқанд, Тошкент, Андижонда турли савдо нуқталари ташкил этилган. Жамият компьютер ёрдамида интернет тармоғига уланган. Натижада, бозор талаби ўрганилиб, харидор топилган қулайлик юзага келмоқда.

О. ЭРҒАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.



Денов туманидаги «Дунё» масъулия-чи чекланган жамиятда айна пайтда 110 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Мазкур корхона аъзолари вилоят

хўжаликларига асосан сара ғалла уруғи етказиб бериш билан шугулланишмоқда.

Суратларда: илғор ишчилар Эр-

гаш Мусурмонов ҳамда Камолиддин Имомқулловлар.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

ЕТАКЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилиш - касаба уюшмалари фаолиятининг устувори йўналишларидан биридир. Хайрли ишни амалга оширишда ижтимоий шерикчилик тамоили энг яхши жиҳатларини намойиш этапти.

Ушбу йўналиш касаба уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган муаммоларни, ечимини кўтаётган масалаларни фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб белгилаган.

Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши «Қарияларни кадрлаш йили» муносабати билан меҳнат ва ўқув жамоаларининг пенсионерларнинг иш шарафини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоялаш мақсадида амалдаги жамоа шартномаларига корхона ва ташкилотларнинг моддий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёз ва тақлифлар киритди.

Меъёрий ҳужжатларга киритилган имтиёزلар орқали 979 та корхонада ишлаб пенсияга чиққан 7600 нафардан зиёд меҳнатқашга корхона маблағидан 40 миллион 443 минг сўм, касаба уюшма ҳисобидан эса 4 миллион 268 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам шарофати билан 21 та корхонада 32 нафар ёлғиз пенсионернинг уй-жойлари таъмирланди.

Шунингдек, 1816 та меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ишлаётган 13080 нафарга яқин пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида корхона ва ташкилот ҳисобидан 123 миллион 807 минг сўм, касаба уюшмалари маб-

лағидан эса 14 миллион 573 минг сўм моддий ёрдам ажратилди. 343 та меҳнат жамоасида 1130 нафар пенсионерга кўп йиллик хизмати учун устама ҳақ белгиланди. 1354 та корхонада рағбатлантириш тўловлари ўрнатилди.

Фахрийлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш бизнеснинг жонажон ишимиз. Жамоналарда ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган пенсионерларга касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларга 160 та, дам олиш уйлари ва пансионатларга 175 та, санаторий-профилакторийларга 348 та имтиёзли йўлланма ажратилди.

Ёки 150 нафар табаррук инсонлар В.Митрофанов номидаги спорт мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

Кишилар ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурроқ англаб етганликлари, боқимандалик кайфиятидан халос бўлаётганликлари, мустақил фикрлаш малакасининг юксалаётганлиги Мустиқиллик берган буюк неъматлардан биридир.

Касаба уюшма кўмитаси раисининг салоҳияти корхона ёки ташкилот, муассаса касаба уюшмасининг меҳнатқашлар ўртасидаги обрў-эътиборини белгилаб беради. Қолаверса етакчининг қатъиятлиги, кишилар қалбига йўл топа олиши, ишчанлик фаизлати камолотини таъминлайди.

Касаба уюшмалари ўзаро ҳамкорлигини янада мустақкамлаш мақсадида шаҳар ҳокимияти ва пойтахт касаба уюшмалари Кенгашининг саъй-ҳаракати билан ҳар бир туманда касабақўм раисларининг мувофиқлаштирувчи кен-

гашлари тузилди. Улар олдинги кўп йиллик вази-фалардан бири иш ҳақидан қарздорликни қамайтиришди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда.

Бозор шароитида меҳнатқашлар фарзандларини соғломлаштириш, мароқли дам олишини ташкил этиш мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этади. Тўғри, бу борада жорий йилда қийинчиликларга, баъзи бир муаммоларга дуч келинди. Бироқ, касаба уюшмалари муҳим ишнинг удрасидан чиқиб унун барча ишни қилди. Натижада 50 минг нафардан зиёд ўғил-қиз, шу жумладан 2300 нафар Қорақалпоғистон Республикасида келган болалар Бўстонлик туманининг тоғ ёнбағри, Тошкент денгизи соҳилидаги баҳаво оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Болалар чехрасидаги табасак, улар соғ-саломат отаналари бағрига қайтганликлари замирида мутасаддиларнинг заҳматли меҳнати ётади, албатта.

Бугун ҳаётимизни спортсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Биз болалар ва ўсмирларни йил сайин кўпроқ жалб этиш, жисмоний тарбия-спорт жамияти тасарруфидаги 14 та болалару ўсмирлар мактабларидаги машғулотларни янада тақомиллаштириш, моддий техника базани мустақкамлаш пайида бўляпти. Саъй-ҳаракат зое кетмаяпти. Касаба уюшма спорт тарбияланувчилари энг нуфузли халқаро муСОБАҚАЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР. АЙНИҚСА КУРАЧИЛАРИМИЗ, ЧАРМ-КЎЛҚОП УСТАЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

кўпчиликини қувонтирмоқда. Юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, яқинда бокс бўйича Оснй чемпиони бўлган Беҳзод Хидировлар номи энди халқимиз ўртасида фахр билан тилга олинмоқда. Ўзбекистон Президентининг Фармониға кура Беҳзод Хидиров «Ўзбекистон Ифтихори» ҳамда мураббий Ҳабибулла Усмонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвонига сазовор бўлганлиги энг нуфузли жамоат ташкилот вакилларини янги ютуқлар сари руҳлантирди.

Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши яна бир хайрли ишга қўл уриб, пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни касаба уюшмалариға кўпроқ жалб этиш мақсадида 1999 йилдан бошлаб 10 та стипендия таъсис этиди. Аълочи ва жамоатчи ёшларға «Шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг стипендианти» гувоҳномасини топириш тантанали суратда амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирға қадар 70 нафар талаба ана шу стипендиядан баҳраманд.

Албатта ҳали фаолиятимизда ечимини кўтаётган муаммолар етарли. Зеро, бозор шароитида уюшқоқлик, ҳамжихатлик ва ташаббус кўрсатиб ишлаш тақозо этилади. Айнан шундагина мақсадга эришиш, меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувори ҳимоячиси деган номга арзигулик ишларни рўёбга чиқариш мумкин.

М.СОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири - корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни изчил давом этмоқда.

«ЯНГИЙЎЛҒОМ» ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАРИНИ КУТМОҚДА

Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 майда қабул қилинган «Тошмарғаб» ва «Янгийўлғом» акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур акциядорлик жамиятлари низоми а м а р а л а р и йўқлама қилинди.

Энди уларнинг акциялари қўшимча эмиссияси ҳажмлари белгиланиб, хорижий инвесторларни жалб этиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Корхоналарни хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш бюроси, чет эл компаниялари ва фирмаларига тегишли тақлифлар юборилди.

Тендер савдолари расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида мазкур ҳиссадорлик жамиятларини қайта қуриш ҳамда замонавий техника билан жиҳозлаш юзасидан қабул қилинган баътафсил инвестиция мажбуриятлари аксетган бизнес режалар савдонинг ўтказиш давлат комиссиясиға тақдим қилинади. Уларни хорижий сармоядорларға сотишға оид барча тадбирларни жорий йил ноябрь ойида якунлаш кўзда тутилган. Тендерда чет эллик сармоядорлар юридик шахс сифатида қатнашади.

(ЎЗА).

Ижтимоий ҳимоя

БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН

Конимех туманида чорвадорлар ва уларнинг фарзандларига тиббий хизмат кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Агар илгари ҳудудда учта қишлоқ врачлик шифохонаси фаолият кўрсатиб келган бўлса, мустақиллик йилларида улар сони 5таға кўпайди. Жумладан, шу йилнинг ўзида Чордара ва олис Маданият овулларида янги қишлоқ врачлик пунктлари иш бошлади. Шўрқўлда яна бир соғлиқни сақлаш қурилиши жадал суратда давом эттирилмоқда. Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалиги ҳудудида илк бор маҳалла врачлик пункти барпо этиш режалаштирилмоқда.

Шуниси қувончлики, ҳудуддаги, ҳатто олис чўл бағридаги шифохоналар ҳам «Тез ёрдам» машиналари билан таъминланган. Шифо масканларини таъмирлаш, уларни дори-дармон ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда ҳам хўжаликларнинг оталик ёрдами сезиларли бўлаётир. Масалан, «Қизилқум» ширкат хўжалиги Учтепадаги қишлоқ шифохонасини 300 минг сўмға таъмирлаб берди. Хўжаликлар ўз ҳудудларида яшовчи камқон аёллар учун дори-дармонлар сотиб келтиришни ҳам ўз зиммаларига олишмоқда. Бу борада «Абай», «Қизилқум», «Сарибел», «Конимех» ширкат хўжаликлари ибратли ишларни амалга оширишди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган болаларига хўжаликлар ҳисобидан бепул иссиқ овқат ташкил этиладиган бўлди.

Марказий шифохона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси соҳасида ишловчиларнинг иш шароитларини яхшилаш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Рағбатлантириш фонди маблағлари мунтазам ажратилмоқда. Зарарли жойларда ишловчи тиббиёт ходимларига кунлик бепул сут бериш йўлга қўйилган. 6 нафар кишиға ҳамда уларнинг фарзандларидан 13 нафарига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Шунингдек, меҳнат биржаси йўлланмаси билан ҳам бир неча киши янги иш ўрниға эға бўлди ва икки томонлама меҳнат шартномалари имзоланди.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Уни бир кўрган киши қўлидан ёмонлик келади, деб асло ўйламайди. Табиатан хушчаққак, ҳазил мутойиба билан ҳар қандай кишининг кўнглини бирпасда топа оладиган бу маккора аёл нималар қилмади дейсиз. Текин даромад йўлида ҳеч нарсадан тап тормади.

Тарбиянинг бўшлиғи, ота-онанинг қизларига бўлган эътиборсизлиги, ҳуда-беҳудаға жанжаллаштириш ёш қизни - мактаб ўқувчисини, серзарда, билганидан қолмайдиган инсон сифатида шакллантирди.

Зебунисо бора-бора мактабға ҳам қатнамай қўйди. Гоҳо қаерларға-дир гойиб бўлар, кунлаб қорасини кўрсатмаганда ҳам неғадир уйдагилари хавотир олишмас, сўраб-суриштиришмас-

ди. Кимдир уни туман марказида, қайсидир шаҳарда кўрганини айтганида ҳам ҳеч ким пинак бузмади. Кунларнинг бирида қиз бадар кетди.

Орадан ўн бир йил ўтгач

Зебунисо Бешимова Туркманистоннинг Чоржўй вилоятиға бориб, Отамурод исми йигитға турмушға чиқди. Шундан кейин «тадбиркорлик» билан шугуллана бошла-

Божхона ходимлари ноқонуний олиб келаётган молларини кўздан кечирди, шуни баътаъганида ўзини юриб бораётган поезддан ташлаб, аранг қутилиб қолди.

ёзжон қўл келиши мумкин эди. У ҳали тўққизинчи синфини битирмаган сингирисини алдовлар билан лаққа туширди.

— Сени Икром деган кекса бир киши билан та-

бўлди. Мезбоннинг ишончини қозонган опа-сингил шу ерда кўнин топдилар. Хушёр, оқила Ниёзжон учинчи кунийқ уйига қочиб кетди. Зебунисо эса нима қилиб бўлса-да тилла та-

яшовчи Йўлдош Матқари-мов хонадонида пайдо бўлди. Йўлдош ака ҳам ёлғиз яшарди. Маккора аёл устамонлик билан унинг қалбига йўл топди. Шинамгина уйға жойлашган Зебунисо ўқловни олиб хонадон соҳибининг бошиға тушира бошлади. Даҳшатли чинқирикдан чўчиб, кўчаға отилдилар. Бироқ барибир Ички ишлар бўлими ходимлари дан қочиб қутила олмадилар.

Аёл шаъниға доғ туширган, норасида фарзандларни ўйламай айши-ишратға берилган, ўғрилиқ кўчасиға кирган Зебунисо Бешимова энди кўз ёши қилиб, таваба тазаррулар қилаётгани ҳам бир усталлик. Унинг ҳаёти, кўргилиги кимлар учундир сабоқдир.

Эркин ЭРМАТОВ.

АЁЛ ШАЪНИҒА ИСНОД

Фельетон ўрнида

Зебунисо эри ва уч нафар боласини эргаштириб уйига кириб келди. Хонадонини бошқа қийғизиб, кимларнинг алдаб пул топишға интилди. Ман қилинган молларини сотишға киришиб кетди. Дастлаб Урганч шаҳридан хужжатсиз дори-дармонлар олиб Чоржўйда пуллаб бошлади. Кўза кунида синида дейдилар, охир оқибат ови бароридан келмади.

Боридан айрилган Зебунисо бир амаллаб Чоржўйға етиб келгач, қўшини авраб, ортиғи билан қайтараман, дея қарз кўтарди. Ҳарчанд маккорлик қилмасин, бири икки бўлмади Энди унинг қарзлари кўпайиб кетганди. Аёл иккиланмай нопок йўлга кирди. Боз устиға кимларнингдир бойлиғиға кўз олайтира бошлади. Бунда унга сингилси Ни-

ништириб қўяман, унинг уйда вақтинча яшайсан. Имкон бўлди дегунча тилла узук ва сирғаларини менға олиб берасан, қолганини ўзим биламан...

Опасининг бу сўзларидан Ниёзжон хайратға тушди. Аммо Зебунисонинг қаттиқ кистови билан кўзланган жойға боришға мажбур бўлди.

Уша кун хонадонда меҳмондорчилик зўр қинчоқларни қўлга кириштириш пайида бўлди. Бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмади. Кечки пайт у қутилмаганда уй эгасини темир билан уриб шикастлади, устиға кўрпа бостириб, қимматбаҳо нарсаларни кўтарганича жуфтани ростилади.

Орадан тўққиз кун ўтгач қотил аёл шериги билан ярим тунда Урганч шаҳар «Мустиқиллик» кўчасида


«Президент кубоги» халқаро теннис турнири давом этмоқда



Яқинда океан ортида нихоясига етган йилнинг энг сўнги US OPEN турниридан сўнг «олтин копчок» ихлосмандларининг эътибори катта теннис мусобақаси бўлиб ўтаётган Тошкент, Бухарест, Сан-Сальвадорга қаратилди. Бу баҳслар якунлангач, яна бир йиллик анжуман - «Дэвис кубоги» беллашувлари бошланади. Шу боис Тошкент турнири кўпга спортчилар учун ўзига хос синов ва зифасини ўташи шубҳасиз.

эришти. Утган куни кечроқ ўтказилган М.Сафин ва К.Бек баҳсини Марказий учрашувлардан бўлди дейиш мумкин. Дастлабки учрашувда рақибини нисбатан осон енгган М.Сафин бу сафар мураккаброк ҳолатга дуч келди. Словакиялик К.Бек ҳали ёш бўлишига қарамай

сараланмоқда. Жумладан, К.Бек ва В.Волчков жуфтлиги К.Иванов ва Д.Томашевич устидан (6/7, 6/1,7/6) галаба қозониб, нимчорак баҳсида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. К.Гроен ва А.Вацек жуфтлиги ҳам К.Плесс ва Р.Шрикафанларни (7/6, 5/7, 6/3) мағлуб этишиб, кейинги босқичга



Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.

ОМАД ДЕГАНИ БОР ГАП

Айтиш жоизки, мусобақаларда дунё теннис таснифида юқори ўринларда бораётган кучли, маҳоратли спортчилар куч синашмоқдалар. Хусусан, «Президент кубоги»нинг доимий иштирокчиси Е.Кафельников би-


лан Германиялик А.Вацек ўртасидаги учрашув муклисларга жуда манзур бўлди. Биринчи сетни А.Вацек ўз фойдасига ҳал қилган кейинги сетда эса Кафельниковга (7/6, 7/6) омад кулиб бокди. Россиялик теннис устаси бу йил ку-

бокни кўлга киритиш учун астойдил бел боғлаган. Унинг таъкидлашича, «Дэвис кубоги» баҳсларидан сўнг, у профессионал теннисдаги фаолиятини якунлайди. Кўпга яқин ва жуфтлик учрашувларда голиб бўлган Кафельников ўз галабаларини Дэвис ҳамда «Президент кубоги» билан бойитмоқчи эканини билдирди.

У навбатдаги учрашувни даниялик теннисчи К.Карлсен билан ўтказди ва қийин галабага эришти. Биринчи сетни рақибига бой бериб, қолганларини галабага бўлган иштиқи туфайли ўз фойдасига ҳал қилди. Турнир дебютини Германиялик Т.Хаас ҳам муҳим галабага эришти. У арманстонлик С.Саргсянни икки сет бўйича (7/6, 6/4) енгиб, нимчорак финалга йўл олди. Исроил вакили Х.Левини мағлубиятга уратиб эса у қадар қийин кечмади ва иккала сетда ҳам (6/3, 6/4) тўла галабага

йўл олишти. Қолган жуфтлик учрашувлари куйидагича якунланди. С.Аспелин (Швеция), А.Олхоский — М.Норман (Швеция), О.Огородов (Ўзбекистон) — 6/1, 6/1. Д.Адамс, Р.Коев (RSA) — И.Любичич (Хорватия), Д.Сангунетти (Италия). 6/4, 6/3.

Мусобақалар давом этмоқда. О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири.



У навбатдаги учрашувни даниялик теннисчи К.Карлсен билан ўтказди ва қийин галабага эришти. Биринчи сетни рақибига бой бериб, қолганларини галабага бўлган иштиқи туфайли ўз фойдасига ҳал қилди. Турнир дебютини Германиялик Т.Хаас ҳам муҳим галабага эришти. У арманстонлик С.Саргсянни икки сет бўйича (7/6, 6/4) енгиб, нимчорак финалга йўл олди. Исроил вакили Х.Левини мағлубиятга уратиб эса у қадар қийин кечмади ва иккала сетда ҳам (6/3, 6/4) тўла галабага

Сафиндай мавқега эга бўлмаса-да, аjoyиб спорт формасида эканини кўрсатди. Унинг ўзига хос ўйин услублари мухлислар олқишига сазовор бўлди. Лекин россиялик юлдуз фақат галаба учун қорға тушганини исботлади. Учрашувларда эндигина қатнашаётган ҳамюртимиз В.Куценко, афсуски, мусобақада муваффақиятли иштирок этолмади. У хорватиялик Любичич билан бўлган кескин мусосасиз баҳсда (7/6, 2/6, 6/7) тай-брекда имкониятни бой берди. Шу тариха сўнги вақилимиз ҳам курашни тўхтатишга мажбур бўлди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернат «2002 йилнинг энг яхши мактаби» вилоят кўриқтанови голиби бўлди. Танловда ўз шаҳарлари ва туманларидан энг яхши деб топилган мактаб жамоалари қатнашди. Ҳайъат аъзолари ўқувчиларнинг билим даражаси, улардаги амалий кўникмалар, предметлар бўйича республика олимпиадаларда иштирок этиш билан чекланиб қолмасдан, балки мактабда маркетинг хиз-

мати, бюджетдан ташқари маблағ топиш, ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўқитувчиларнинг янги ташаббусларини ҳам қисибга олишти. Мазкур мактабни битирган йигит-қизларнинг 95 фоизи олий ўқув юртига кирмоқда. Мактаб вилоят ва республика олимпиадаларида иштирок этиш бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Икки йилдирки, илм маскани компьютер саводхонлиги бўйича республикада пешқадамлик қилишмоқда.

Материалларни ўз манзилига етказиш керак. Оғирлиги 100 килограммга тенг келадиган бу курилмани Франциянинг «Ариан» ракетаси фазога олиб чиқмоқчи. Европанинг йўналиб йирик компаниялари биргаликда амалга оширмоқчи бўлган мазкур лойиҳага кетадиган харажат ҳозир-

Футбол ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Осиё футбол конфедерацияси мана нихоят УЕФА йўлини тутиб, клуб командалари томон хайрли қадам ташлади. Чемпионлар кубоги учун бўладиган баҳсларга жиддий эътибор қаратилиб, унинг нуфузини кўтарिशга қарор қилинди. Бу эса, охири оқибат ҳар бир мамлакат ички чемпионатида кучли жамоалар таркиби топишига бевосита тўртки беради.

Жунбушга келган Ашраф Садат сардоримизга очикдан-очик ҳамла қилди. Албатта, ҳакам ҳеч қачон ўз қарорини ўзгартирмайди. Г.Гачкулиев пенальтини чиройли тарзда амалга ошириб, ҳисобни очди. Боз устига безорилиги учун бир ўйинчиси майдондан четлатилган «Ал-Вихдат» жамоаси учрашувни бир футболчи кам ҳолда якунлашга мажбур бўлди. Бундан эса, майдон эгалари унумли фойдаландилар. Ҳисоб бундан-да катта бўлиши мумкин эди, бироқ Кошелев, Қуттибоев, айниқса, Гейнрих бир неча қулай имкониятларни кўлдан бой бердилар.

Чемпионлар лигасида ўткинчи ўйинлар бўлмайди. Ҳар бир учрашув ҳал қилувчидир. Шу боис «Пахтакор» жамоасига Уммон шаҳрида осон бўлмаслиги аниқ. Ҳимояда ҳушёр, ҳужумда сермахсул бўлибгина мақсадга эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, совуққонлик билан шиддат уйғунлигига эришиш лозим бўлади.

Куни кеча «Пахтакор» ўз майдонидан Иорданиянинг «Ал-Вихдат» жамоасини қабул қилиб, муҳим галабага эришти. Гачкули Гачкулиев, Сервер Жепаров ва Зайниддин Тожиев томонидан киритилган учта жавобсиз тўп имкониятларимиз анча юқори эканлигини тасдиқлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Чемпионлар лигаси анча узоқ давом этадиган турнир. Зеро, ҳар бир ўйинчи майдонда астойдил ҳаракат қилиши, айни вақтда уларнинг соғлигини имкон борича муҳофаза қилиш тақазо этилади. Футболда, айниқса, қасдлашиб ўйнаб бўлмайди. Лекин «Ал-Вихдат» билан кечган учрашув рақибларимиз ҳеч нарсадан тап тортмасликларини ҳам ошкор этиб қўйди. Демокчимизки, жавоб учрашувда М.Қосимовни имкон борича захирада ушлаган, жуда зарур бўлган тақдирдагина майдонга туширган маъқул туюлади.

Ҳар ҳолда иорданияликлар Тошкентда намойиш этган каби футбол, марҳум шарҳловчи Николай Озеров таъбири билан айтганда, бизга керак эмас. Бизнинг ўз усулимиз бор: тезкор ва аниқ ҳаракатлар ҳар қандай кўполикка муносиб жавобдир.

Бундай пайта, буни бошқа учрашувларда ҳам кўп кўрганмиз, рақиб жамоа бир четда томошабин бўлиб туролмайди. Бирлашган араб амирлигида бир мунча муддат тўп суриб, тил билиб қолган Миржалол Қосимов мехмонларни инсофга қақирмоқчи бўлди. Йўқ, аксинча бўлиб чикди.

Бундай пайта, буни бошқа учрашувларда ҳам кўп кўрганмиз, рақиб жамоа бир четда томошабин бўлиб туролмайди. Бирлашган араб амирлигида бир мунча муддат тўп суриб, тил билиб қолган Миржалол Қосимов мехмонларни инсофга қақирмоқчи бўлди. Йўқ, аксинча бўлиб чикди.

Бундай пайта, буни бошқа учрашувларда ҳам кўп кўрганмиз, рақиб жамоа бир четда томошабин бўлиб туролмайди. Бирлашган араб амирлигида бир мунча муддат тўп суриб, тил билиб қолган Миржалол Қосимов мехмонларни инсофга қақирмоқчи бўлди. Йўқ, аксинча бўлиб чикди.

Таникли шоиримизнинг «Келажакка мактуб» шеъри кўпчилигимизга яхши таниш. Бу мактуб ёзма манба шаклида келгуси авлодларга етиб боради, албатта. Қоинотшунос олимлар ҳам бу гоё устида жиддий ўйлаб бошлади. Гап шундаки, олимлар дунёнинг барча халқлари вакиллари ёзган мактубни келгуси авлодларга сунъий йўлдош орқали етказмоқчи. ЮНЕСКОнинг «XXI аср лойиҳаси» дастури доирасида учирладиغان сунъий йўлдош режага кўра ана шу хайрли юмушни бажариши керак. Бирок ерликлар юборган мактуб манзилга 50 минг йилдан кейин етиб боради экан.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган француз олимлари яқинда Хиндистонга келди. Улар мўлжаллаётган лойиҳага хиндистонликлар алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, қисқа вақт ичида минглаб хиндистонликлар келажакка мактуб йўллаш истагини билдирган. Олимларнинг таъкидлашича, фазовий курилмага ўрнатиладиган ком-

КЕЛАЖАККА МАКТУБ

пьютер хотираси замондошларимизнинг олти миллиарддан ҳам кўпроқ мактубини сақлай олади. Ким келажакка мактуб ёзишни истади, тўрт саҳифага ўзининг фикрини, тилақларини битиши керак. Мактублар электрон ҳисоблагич машинада қайта ишланиб, йўлдош хотирасига жойланади. Режага кўра, сунъий йўлдош 500 аср ўтганидан

Турфа олам

сайёрамиздаги ҳаёт 50 минг йилдан кейин ҳам давом этаверади, демуқда олимлар. Шундай экан, замондошларимиз қолдирган мактубни 500 асрдан кейин яшайдиган ерликлар жуда катта қизиқиш ва ҳайрат билан ўқиб, керакли хулосалар чиқариши ва турмушини «таҳрир этиши» шубҳасиз.

Ҳазил ўрнида шундай айтиш мумкинки, одатда келажак билан боғлиқ хабарларни ўқиганимиздан кейин, «омон бўлсанг, кўрармиз», деган ибора ҳаёлимиздан ўтади. Лекин 50 минг йиллик муддатни тасаввурга сигдиртиш мушкул. Шунинг учун инсоният омон бўлса, кўради, десак тўғрироқ бўлади. (ЎЗА).

КОСОНСОЙ КЎРКИ

Вилоятда коллежлар соани яна биттага кўпайди. Косонсой туманидаги тиббиёт билим юрти қайтадан таъмирланиб, коллежга мослаштирилди. Катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари 355-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси томонидан амалга оширилди. Бу ерда ёшларнинг чуқур ва пухта билим олишлари, танлаган соҳаларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қолаверса, бу

ИНТЕР-ТОЛА ИШГА ТУШДИ

Наманган туманидаги Юқори Ровустон қишлоғида халқаро «Интер-тола» пахта терминали ишга тушди. Бу ерда Фаргона, Андижон вилоятларида етишти-

рилиб, қайта ишланган пахта таласи қабул қилиниб, сақланади. «Интер-тола» терминали «Эркин омбор» божхона тартибидан ишлаш лицензиясини олган бўлиб, йилга 800 минг АҚШ доллари миқдоридан экспорт хизмати кўрсатади. Мазкур йилки иншоот Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Инновация» давлат акциядорлик компанияси ва Наманган вилоят ҳокимлигининг яқиндан берган амалий кўмаги, вилоятнинг етакчи қурилиш-



Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Наманган янгиликлари

монтаж ташкилотлари жамоалари саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа муддатда куриб битказилди. МАҲАЛЛАЛАРДА СПОРТ КЛУБЛАРИ Вилоят марказидаги «Гўзал» даҳасида қикбоксинг ва кўл жанги клубининг ташкил этил-

ганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳозирдаёқ унинг аъзолари халқаро турнирларда ҳамда Тошкентда ўтказилган чемпионатда голиб чиқишди. Шаҳар ҳокимлиги ва «Гўзал» маҳалла фуқаролари йигини ташаббуси билан яна бир бино таъмирланиб, ёшларнинг чиникиш марказига айлантирилди. Бу ерда ҳам ана шундай клуб иш бошлади. О.ЖУМАЕВ.

Биласизми? ҚУВУР ОРҚАЛИ ГАПЛАШИЛГАН

Ҳали телефон ихтиро қилинмаган XIX асрнинг 30-йилларида ҳам кишилар ўз шахрида туриб бошқа шаҳарлардаги танишлари билан суҳбатлашмишган. Қандай қилиб дейсизми? Уша вақтда баъзи шаҳарлар орасида телефон сими ўрнига қувур ётқизилган эди. Бир шаҳардан иккинчисига овоз 15 дақиқада борарди. Тушуниши қийинроқ бўлган сўзлар уч-тўрт марта ҳижжалаб айтилса, бундай «телефон» орқали гаплашиш учун қанча вақт кетишини тасаввур қилиш қийин эмас.

«ҚУЁШ ДАРВОЗАСИ»ДАГИ КАЛЕНДАР

Бундан бир неча минг йиллар илгари Анд тоғлари этагидаги денгиз қирғоғида аjoyиб порт шаҳри ўз аҳолиси билан фожоали ҳалокатга учраган эди. Ҳалокат натижасида бир бўлак қуруқлик ва бандаргоҳ денгиздан ажралиб, ўз соҳилдан 4000 метрча баландиққа кўтарилган. У бир бўлаги Тетикака деб аталадиган хушманзара кўлга айланган. Бу ердаги харобалар орасида «Қуёш дарвозаси» деган дарвоза харобаси бўлиб, унда галати, аммо анча аниқ календар (тақвим) тасвирланган. Тақвим бизнинг календаримиз сингари 365 кунлик бўлмай, балки 290 кунликдир, холос. Уни Венера сайёрасининг тахминий ҳисобланган тақвими билан солиштирилганда бир-бирга жуда мос келиши аниқланган.

Газетамизнинг навбатдаги сони 17-сентябрда чиқади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширди - 22.05.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.